

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА САМАРАЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Холов Ақтам Хатамович,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академияси докторанти

E-mail: aktam-xolov@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида жамоатчилик назоратини жорий этишга доир таклиф ва тавсиялар берилган.

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы реализации принятия эффективных решений органами государственной власти на местах. А также, некоторые предложения и рекомендации, связанные с общественным контролем в процессе принятия решений органами государственной власти на местах.

Abstract: This article analyzes the problems of the implementation of accepting effective decisions in local authorities. Besides, certain suggestions and recommendations related to the participation of social public control in decision accepting process in local state governmental bodies.

Калит сўзлар: Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, самарали қарор, қарор қабул қилиш тизими, жамоатчилик назорати.

Кириш

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали бошқарув фаолиятини ташкил этиш очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этилганлигига бевосита боғлиқ. Шунингдек, бошқарувнинг барча бўғинида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этилганлиги 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларга эришиш кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” [1] деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда деган концептуал фикрни таъкидлаб ўтди. Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда давлат бошқарувининг барча бўғинида, жумладан ижро ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “самара” сўзининг 42 мартаба ишлатилиши ҳам ижро ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Бугуни кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотларни самарадорлиги бевосита ижро ҳокимияти органларида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиниши билан боғлиқ. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги қўйидаги фикрлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этиш;

Иккинчидан, ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш;

Учинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириш;

Тўртинчидан, мамлакатимизда қабул қилинаётган чора-тадбирларни самарали амалга оширишда ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолият олиб боришини таъминлаш;

Бешинчидан, давлат бошқарувида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш;

Олтинчидан, Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш;

Еттинчидан, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказиш;

Саккизинчидан, ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиш қўйишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики XXI асрга келиб ижро ҳокимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни тизимлашган шаклда амалга оширишга эътибор қаратила бошлади. Бугунги кунда давлат хизматида самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш қадрият сифатида намоён бўлмоқда. Ижро ҳокимияти органларида самарали бошқаруви қарорларини қабул тизими мавжудлиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кафолати ҳисобланади.

Бошқарув назарияси намоёндалари (Ф.Тейлор, Г.Эмерсон, А.Файол, М.Вебер, Э.Мэйо, Р.Лайкерт, Г.Саймон, П.Дурукер, Э.Дейл ва бошқалар) раҳбар фаолиятини биринчи навбатда бошқарув қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлайди. Бошқарув самарадорлиги кўп жиҳатдан оптимал қарор қабул қилинишига боғлиқ. Бу ўз навбатида меҳнат фаолиятини ташкил

этиш ва ташкилотни бошқариш жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг бутун мажмуасини ўзида ифодалайди. Бошқарув қарорлари доимо ташкилотдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ташаббускори, одатда назорат қилинадиган ёки амалга ошириладиган масъул бу - раҳбар шахс ҳисобланади.

Ўзбекистонлик олимлардан Р.Турсунов ходимларни оптимал ишга бириктириш масаласини “Венгер усули”да амалга оширишни таҳлил қилган бўлиб, “ходимларни ишга шундай тақсимлаш керакки бунда ишнинг жами самарадорлиги максимал ёки жами сарф этилган вақт минимал бўлсин” [2] деган фикрни илгари суради. О.Исмаилов, А.Аллаберганов, Б.Холовлар[3] қарор қабул қилиш жараёни, қарор қабул қилишнинг асосий босқичлари, қарор қабул қилиш ва уларни ижросини назорат қилиш масалаларини таҳлил этишган.

И.ф.д. (PhD) Ш.Р.Холмўминов “Маҳаллий бошқарув кадрлар менежменти” [4] номли ўқув қўлланмасида маҳаллий бошқарув кадрлар фаолиятининг натижаларини баҳолаш, бошқарув меҳнатини баҳолаш ва баҳолаш усулларининг ўзига хос жиҳатларини ёритган. Шунингдек, бошқарув объектининг ишлаб чиқариш натижаларига қараб ходимга баҳо бериш масалаларига эътибор қаратган.

Иқтисодчи олимлардан Р.Валижонов, О.Қобулов, А.Эргашев[5] лар бошқарув қарорларининг тури, услуби, бошқарув қарорларининг самарадорлик шартлари, раҳбарнинг қарор қабул қилиш модели хусусида фикр юритганлар. Шу билан биргаликда стратегик қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, қарор назоратини ташкил қилиш, шунингдек, иқтисодий зиён кўрмаслик таҳлиллари аҳамияти ҳақида илмий изланиш олиб борганлар.

Академик С.С.Ғуломов ўзининг “Менежмент асослари” [6] ўқув қўлланмасида бошқарув қарорларининг моҳияти ва уларнинг сифатига қўйиладиган талаблар, самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш, менежмент тизимининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услуби ва амалий жиҳатларини тадқиқ этган. Шунингдек, менежмент тизимининг иқтисодий самарадорлик ўлчовларига қўйиладиган талаблар: 1) ҳаққонийлик ва ишончлилик; 2) тўлалик ва универсаллик; 3) аниқлик; 4) оддийлик; 5) сезгирлик; 6) сон аниқлиги; 7) тезкорлик; 8) солиштирмақ ва ўлчамлилик; 9) ўзаро боғлиқлик ва мақсад сари йўналганлик каби мезонларни ўрганган.

Р.Х.Алимов, С.А.Ғанихўжаевлар томонидан тайёрланган “Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент”[7] дарслигида маҳаллий тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига баҳо бериш масаласи тадқиқ этилган. Ҳокимиятлар фаолиятини стратегик режалаштириш ва тезкор бошқаришга доир таклиф ва тавсиялар беришган. И.У.Муракаев ва И.С. Саифназаровлар[8] бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар, унумдорлик меъёрлари бўйича бошқариш, қарор қабул қилишда коммуникация ва инсон омилини таҳлил қилишган.

Бошқаришнинг интеллектуал тизимлари ва қарор қабул қилиш масаласи Н.Р.Юсупбеков ва Р.А.Алиевлар[9] томонидан ўрганилган бўлиб, ноаниқ ахборотлар шароитида қарор қабул қилиш, ноаниқ кўп мезонли қарорлар қабул қилиш, қарор қабул қилишнинг математик моделлари, бошқарув қарорларини интеллектуал қўллаб-қувватлашнинг компьютер технологиялари, ноаниқ чизиқли дастурлаш, гуруҳли қарорлар қабул қилиш усуллари хусусида таҳлилларни амалга оширган.

Тадқиқотчи Г. М.Шамарова муниципал бошқарувда қарорлар қабул қилиш жараёнининг самарадорлигини қуйидаги омилларга боғлиқлигини таъкидлайди: а) қарор лойиҳасини тайёрловчи ёки алоҳида қарор қабул қилувчи шахснинг қандай маълумотдан фойдаланиши; б) қарор қабул қилувчи шахс учун қандай сиёсий манфаатлар ва ижтимоий қадриятлар муҳим ҳисобланиши; в) қарор қабул қилувчи шахснинг ўзгаришларга муносабати ва ўзининг шахсий жавобгарлигини англаш [10].

Жаҳон фани бошқарув қарорлари қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш масаласи билан боғлиқ нуфузли илмий салоҳиятга эга. Хусусан, М.Эддоус ва Р.Стэнсфилд[11]ларнинг "қарорлар қабул қилиш услублари", В.Н. Спицнадель[12]нинг "Самарали қарорлар қабул қилиш назарияси ва амалиёти", О.И.Ларичев[13]нинг "Қарорлар қабул қилиш назарияси ва усуллари", Э.А.Смирнов[14]нинг "Бошқарув қарорлари", Б.Г.Литвак[15]нинг "Қарор қабул қилиш ва эксперт баҳолаш", В.Н.Цыгичко[16]нинг "Раҳбарга - қарорлар қабул қилиш ҳақида" номли китобларида қарорлар қабул қилиш жараёнига оид назарий фикрлар ва амалий кўрсатмалар кенг ўрин эгаллаган. Бироқ бу асарлар, асосан, бошқарувчи-менежерлар учун мўлжалланган бўлиб, уларда қарорлар қабул қилиш жараёни сиёсий фан нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Шунингдек, А.И. Соловьёв[17]нинг "Сиёсатшунослик, сиёсий назария, сиёсий технологиялар", В.И.Кнорринг[18]нинг "Бошқарув назарияси, амалиёти ва санъати», Д.П.Зеркин ва В.Г.Игнатовлар[19]нинг "Давлат бошқаруви назарияси асослари", Г.В.Пушкарева[20]нинг "Сиёсий менежмент" номли асарларида эса бошқарув соҳасида қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнининг моҳияти ва хусусиятлари очиб берилган.

Бироқ, мазкур ишларда бошқарув қарорларининг алоҳида жиҳатлари ёки бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг маълум бир масалалари кўриб чиқилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш масалалари комплекс тадқиқ этилмаган. Шунинг учун, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қарор қабул қилиш, муқобил ечимларни танлаш, қарор самарадорлигини баҳолаш аҳолини бевосита ва билвосита иштироки орқали амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органи бошлиғи(ҳоким)нинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни тизимли таҳлил қилиш ва баҳолаш илмий амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини менежмент фанининг фундаментал қонунлари, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш концепциялари, шунингдек, бошқарув қарорлари қабул қилишга доир тадқиқот олиб борган хориж ва Ўзбекистонлик олимлар, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва нутқлари ташкил қилади. Мазкур тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, институционал таҳлил, контент таҳлил, функционал таҳлил, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этишда, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқишда қўлланилади.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилиш жараёнига манфаатдор томонлар, жамоатчиликни кенг жалб этилмаслиги самарасиз бошқарув қарорларини қабул қилинишига олиб келмоқда. Шунингдек, бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар ва мезонларни ҳисобга олмаслик, қарорларнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, ташкилий, технологик, ҳуқуқий ва экологик самарадорлигини баҳолаш имкониятини чеклайди.

Мамлакатимиз молия соҳасининг етакчи олимлардан Т.Маликов “Молиявий қарор қабул қилиш асослари” [21] номли рисоласида инвестицион қарорлар қабул қилиш мезонлари хусусида алоҳида тўхталган. Лекин, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлари ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими[22] бўйича ҳудуд иқтисодиётига инвестициялар киритилиши даражаси (2.1 банд) ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўрсаткичи (2.8 банд) бўйича индикаторларнинг ҳисоблаш ва баҳолаш методикаси тўлиқ берилмаган. Бу ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қабул қилинган инвестицион қарорлар самарадорлигини тўлиқ баҳолаш имкониятини чеклайди.

Иқтисодчи олимлардан В.А.Котов[23] аниқлик шароитларида бошқарув қарорларини таҳлилдан ўтказиш ва қабул қилиш масаласини тадқиқ этиб, дисконтлаш коэффициенти хусусида тўхталади. Шу нуқтаи назардан ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туман ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятида иқтисодиётга инвестициялар киритилиши ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўрсаткичи индикаторларининг ҳисоблаш ва баҳолаш методикасини ишлаб чиқишда дисконтлаш

коэффициентини ҳисобга олиш муҳим. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туман ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонларини танқидий қайта кўриб чиқиш зарур.

Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий давлат ҳокимият тизимида қарор қабул қилиш жараёни ва шакллари хусусий тузилмалардаги моделлардан фарқ қилади. Ушбу фарқлар ресурслар тақсимоли ва давлат стратегик мақсадлари билан бевосита боғлиқ. Масалан, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг самарали амалга оширилиши бўйича “Йўл харитаси”[24]нинг 6-бандида **“Маъмурий адлия тизимини: ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш”** вазифаси белгиланган. Бундан кўзланган мақсад ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга шикоят қилиш тартибини янада такомиллаштириш, шунингдек, низони судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишдан иборат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **“Ҳар бир фуқаро қабул қилаётган қарорларимиз реал фойда бераётганини сезиши керак”** деган фикрлари, замонавий раҳбар кадрлар бошқарув қарорлари самарадорлигини белгиловчи замонавий мезонларни билиши, ҳар бир фуқарога қабул қилаётган қарорларни реал фойда бераётганлигини аниқ мисоллар билан кўрсата олиши, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Шу боис ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини янада такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилиш жараёнига манфаатдор томонлар, кенг жамоатчиликни жалб этиш самарасиз бошқарув қарорлари қабул қилиниши олдини олади. Шунингдек, бошқарув қарорлари ижрочилари ва манфаатдор томонларни қарор қабул қилиш жараёнига иштирок этиши қарорни барчага тушунарли ва оптимал қабул қилиш имкониятини беради. Бунинг учун ҳар бир давлат ташкилоти органларида қабул қилинаётган қарорлар лойиҳаси муҳокамасини ёритадиган тезкор ахборот тизими (веб-саҳифа) яратилиши маъмурий адлия, яъни давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари устидан шикоятлар сонини камайтиради.

Иккинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилишда бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш тизимини мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Фуқаро, манфаатдор томон ижро этувчи ҳокимият

органлари ва унинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилиш билан бирга қарорни самарадорлигига ҳам баҳо беришини таъминлайдиган онлайн-сўровнома тизимни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда самарадорлик ва сифат тушунчасининг давлат бошқарувига киритилиши инновацион ёндашувни талаб этади. Мисол учун, Россия Федерациясида давлат ходимларининг иши самарадорлиги 2007 йилдан бошлаб баҳоланиб келмоқда. Ҳозирги пайтда Россия Федерациясида ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими Россия Федерацияси Президентининг 21.08.2012 йилдаги “Россия Федерацияси субъектлари давлат ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида”ги № 1199 сонли фармонида мувофиқ қуйидагилардан иборат: 1) Россия Федерацияси субъектлари давлат ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун умумий 12 та кўрсаткич; 2) Россия Федерацияси субъектлари давлат ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун 44 та шахсий кўрсаткич; 3) Россия Федерацияси субъектлари давлат ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш услублари; 4) Россия Федерацияси субъектларининг Россия Федерацияси субъектлари давлат ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эришиш мақсадида халқаро бюджет трансфертларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқи; 5) Россия Федерацияси субъектлари давлат ижро ҳокимияти органларининг юқори лавозимли раҳбарларининг Россия Федерацияси субъектлари давлат ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигида ҳақиқий эришилган кўрсаткичлар мазмуни ҳақидаги йиллик билдиришномалари ва уларнинг 3 йиллик даврга режалаштирилганлиги мазмуни; 6) Россия Федерацияси субъектлари давлат ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари динамикаси рўйхати келтирилган йил ҳисоботи натижалари бўйича Россия Федерациясининг ҳудудий ровожлантириш Вазирлигининг 3 йиллик даврга билдиришномаси [25].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этишни яна бир жиҳати бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида жамоатчилик назоратини мавжудлиги билан изоҳланади. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасининг биринчи устувор йўналишининг 34 бандида **“Давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш”** вазифаси белгиланган. Бундан кўзланган мақсад давлат органларига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигининг ошишига, улар

томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилишига, фуқароларнинг мурожаатларини, уларда кўтарилган муаммоларни жойида ҳал этишда давлат органлари раҳбарлари томонидан қай даражада муносабат билдирилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдан иборат.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида жамоатчилик назоратини жорий этиш қўйидаги йўналишларда ўз ифодасини топиши лозим:

1) ҳокимият органлари фаолиятининг доимий тизимли мониторингини олиб бориш;

2) ҳокимият органлари фаолиятига оид манзилли мониторинг олиб бориш. Масалан, экологик жамоат ташкилотларини давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги сиёсатини назорат қилиши;

3) ижтимоий муҳим бўлган қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки;

4) ҳокимият органлари ҳузурида назорат комиссиясининг, жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши;

5) қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси;

6) ҳокимият қарорлари қандай қабул қилиниши ва ижро этилиши;

7) қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг тайёрланиш жараёни;

8) давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти;

Хулоса ва таклифлар

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини кузатиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир тартиб тамойилларни белгилашда қўйидаги омилларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ижро ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида фуқароларга тўла ва ҳаққоний ахборотларни етказиш лозим. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларида давлат идоралари томонидан қабул қилинган қарорларнинг матнларидан ташқари, уларнинг моҳияти, қарордан кўзланган мақсад ёритилиши керак.

Иккинчидан, маҳаллий даражадаги қарорлар қабул қилишда, хусусан, тендерлар эълон қилиш ва унинг натижаларини кўриб чиқишда ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари вакилларини таклиф этиш зарур.

Учинчидан, ижро ҳокимияти томонидан қабул қилинаётган бошқарув қарорларини мақсадга мувофиқлигини назорат қилиши керак;

Тўртинчидан, маҳаллий даражадаги қарорлар қабул қилиш жараёнига фуқаролар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакилларини жалб қилиш зарур. Бу нафақат, қарорларнинг самарали бўлишини, балки уларнинг кенг жамоатчиликка етиб боришига ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига фуқароларнинг жалб этилиши давлат

идоралари ва мансабдорлар устидан жамоатчилик назорати ўрнатишга ҳам олиб келади.

Бешинчидан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш усуллари ва шакллари, шунингдек, маҳаллий ижро ҳоқимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда” деган фикрлари асосида ижро ҳоқимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш борасида қуйидагича хулосага келиш мумкин: 1) Ижро ҳоқимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш; 2) Ижро ҳоқимияти органларида қарор қабул қилиш жараёнини тизимлаштириш; 3) Ижро ҳоқимияти органларида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш; 4) Ижро ҳоқимияти органларида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашда инновацияларни жорий этиш; 5) Ижро ҳоқимияти органларида қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш; 6) Ижро ҳоқимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш; 7) Ижро ҳоқимияти органларида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашда “ақлий марказлар”ни ташкил этиш; 8) Ижро ҳоқимияти органларида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашда «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш; 9) Ижро ҳоқимияти органларида бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашда жамоатчилик назорати тизимини жорий этишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ижро ҳоқимияти органларида бошқарув қарорларнинг самарадорлиги юқорида келтирилган омилларга боғлиқ бўлади. Бошқарув қарорлари қабул қилишда эришилган натижани уни қабул қилишдан олдин таҳмин қилинган натижа билан таққослаш жуда зарурдир. Бу юзага келган камчиликлар кейинги қабул қилинадиган қарорларда такрорланмаслигини олдини олишда ёрдам беради. Бошқарув тизимида қабул қилинган қарор албатта асосланган, реал, кечикмаган ва тежамкор бўлиши шарт.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилга юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб ном берилиши ҳам ижро ҳоқимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этишда инновацион ёндашувни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>
2. Турсунов Р. Қарор қабул қилишнинг миқдорий усуллари” ўқув курси бўйича таълим технологияси – Т.: ТДИУ, 2012 40-бет.
3. Turizm menejmenti: kasb-hunar kollejlari uchun o`quv qo`llanma / Ismailov O., Allaberganov A., Xolov B.; O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi; O`rta maxsus kasb-hunar ta`limi markazi. –Toshkent.: Yangi nashr, 2012. 55-70 betlar.
4. Холмўминов Ш.Р. Маҳаллий бошқарув кадрлари менежменти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, -Т.: 2004. 39-51-бетлар.
5. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. –Т.: “Шарқ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. 102-111 бетлар.
6. Ғуломов С.С. Менежмент асослари. –Т.: Шарқ Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. 190-192; 326.
7. Алимов Р.Х., Ғанихўжаев С.А. ва бошқалар. Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент / Академик Ғуломов С.С., проф. Холмўминов Ш.Р., доц. Калонова М.З. таҳрири остида нашр этилган. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, -Т.: 2004. 116-164 бетлар.
8. Муркаев И.У. ва Саифназаров И.С. Менежмент асослари /даррлик. –Т.: Ўзбекистон, 2001
9. Boshqarishning intellektual tizimlari va qaror qabul qilish [Matn]: texnika oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. / Yusupbekov N.R. [va boshq.]; Т.: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi , 2015. 334-484-бетлар.
10. Шамарова, Г. М. Эффективность принятия управленческих решений в системе муниципального управления // Управление персоналом. 2008. № 1.<http://www.hr-portal.ru/article/effektivnost-prinyatiya-upravlencheskikh-reshenii-v-sisteme-munitsipalnogo-upravleniya>
11. Эддоус М., Стенфилд Р. Методы принятия решений. — М.: ЮНИ-ТИ; 1997.-590с.
12. Спицнадель В.Н. Теория и практика принятия оптимальных решений: учеб. пособие / В.Н. Спицнадель. – СПб.: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2002. – 394 с.
13. Ларичев О.И. Теория и методы принятия решений, а также Хроника событий в Волшебных Странах: Учебник. 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Логос, 2002.-392 с.
14. Смирнов Э.А. Управленческие решения: - М.: ИЦ РИОР, 2014. - 362 с.
15. Литвак Б.Г. Экспертные оценки и принятие решений. М.: Патент, 1996. – 271 с.

16. Цыгичко В.Н. Руководителю о принятии решений. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: ИНФРА-М, 1996. - 272с
17. Политология: Политическая теория, политические технологии: Учебник для студентов вузов / Соловьев А.И. — 2 е изд., перераб. и доп. — М.: ЗАО Издательство «Аспект Пресс», 2014. — 575 с. ISBN 978–5–7567–0522–5
18. Кнорринг В. И. Теория, практика и искусство управления. Учебник для вузов по специальности "Менеджмент". — 2-е изд., изм. и доп. — М.: Издательство НОРМА (Издательская группа НОРМА—ИНФРА • М), 2001. — 528 с. ISBN 5-89123-528-5
19. Зеркин Д.П., Игнатов В.Г. Основы теории государственного управления: Курс лекций. – Ростов-на-Дону: Март, 2000. – 448 с.
20. Пушкарева, Г. В. Политический менеджмент: учебник и практикум для академического бакалавриата / Пушкарева Г.В. — М.: Издательство. Юрайт, 2014. — 365 с.
21. Маликов Т.С Молиявий қарор қабул қилиш асослари. –Т.: Шарқ, 1996. 43-56 бетлар; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. Т.: Академия, 1999. 44-58 бетлар.
22. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими тўғрисидаги низомга 1-илова // Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги 973-сон қарори
23. Котов В.А. Муниципал менежмент: Ўқув қўлланма. Ўзбекистон. Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Евросиё жамғармаси. -. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамағраси нашриёти, 2004. -96 б.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли фармонида 2-илова.
25. Винокур З.Е., Солодков М.В. Совершенствование системы оценки эффективности деятельности органов исполнительной власти регионов России // Известия ДВФУ. Экономика и управление. 2014. № 1. С. 21-22.
26. Frederick Winslow Taylor. The Principles of Scientific Management. 1911. Фредерик Уинслоу Тейлор. Принципы научного менеджмента. — М., 1991. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 03.06.2010. URL: <http://gtmarket.ru/laboratory/basis/3631>
27. Управление - это наука и искусство /. С32 У677 Управление - это наука и искусство / Файоль А., Эмерсон Г., Тэйлор Ф., Форд Г.; Сост. Г.Л. Подвойский. - М.: Республика,1992. -351 с
28. Drucker, P. F. The effective decision. Harvard Business Review, January/February 1967, Volume 45, Issue 1, pp 92-98
29. Вебер, Макс Хозяйство и общество: очерки понимающей социологии [Текст] : в 4 т. / Макс Вебер ; [пер. с нем.] ; сост., общ. ред. и предисл. Л. Г. Иони- на ; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». — М. : Изд. дом Высшей школы экономики, 2016. — Перевод изд.: Weber Max. Wirtschaft und

Gesellschaft. Grundriss der verstehenden Soziologie. 5. revidierte Aufl. Besorgt von Johannes Winckelmann. Tübingen: J.C.B. Mohr (Paul Siebeck), 1972. — 2000 экз. — ISBN 978-5-7598-0333-1 (в пер.).

30. Элтон Мэйо: теоретики практик управления: Монография. — М.: ИНФРА-М, 2013. — 111 с. — (Научная мысль). |SBN 978-5-16-005629-6

31. Саймон Т.А. Теория принятия решений в экономической теории и науке о поведении // Вехи экономической мысли. Том 2. Теория фирмы — СПб.: Экономическая школа, 2000.